

202 иил «\_\_\_\_\_» дагы  
-сон шартномага  
ИЛОВА

**Фойдаланишга қабул килингандан газдан фойдаланиш ускуналари**

РУЙХАТИ

Фаолият тури: Мусика Иактаци

## Кадастровый №

\_\_\_\_\_

**Табий газ тарифи** сум **түйнүүлэгч**

## Келишилган:



Мұхр үрні

Източни

(Ф.И.И.)



# HUDUDGAZTA'MINOT

HGT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

## Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва кабул килиш ШАРТНОМАСИ

20~~йил~~<sup>йил</sup> 28 01 05/2-016сон

Узунгизрот

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи "Есемурат-жонрау"  
10 Бисмил бир  
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Давлетов  
Вашкан Ниетов бир  
томондан хамда Низом ва 20~~йил~~<sup>йил</sup> "5" йиңвар да берилгансоз 19 сўз/33сонли  
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Хизматчилик - Чарж - Стан"  
(газ минотини ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),  
раҳбари Х. Айнанов иккинчи томондан, куйидагилар тўгрисида  
мазкур шартномани туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари оркали Истеъмолчининг  
келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)  
етказиб бериш мажбуряятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг  
1.4-бандида курсатилган хажмда газни кабул килиш мажбуряятини олади хамда  
тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ  
курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёлларга (Табиий газдан  
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чикариладиган маҳсулотга (ёки  
курсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим  
этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол  
килиниши таҳмин килинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20 йилда \_\_\_\_\_  
куб.м, нархи \_\_\_\_\_ минг сўмни ташкил киласи, жумладан чорақлар ва ойлар  
бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>20742</u>	минг.м.з. январь	<u>4742</u>	февраль	<u>8000</u>	март	<u>8000</u>
II чорак	_____	минг.м.з. апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг.м.з. июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	<u>16000</u>	Минг.м.з. октябрь	_____	ноябрь	<u>8000</u>	декабрь	<u>8000</u>

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тұлық ҳажмда күрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамиятга эга Иsteъmolchilarга 2022-йилда зарур булган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар буйича күйидагини ташкил килади:

I чорак	<u>20442</u>	минг куб.м.	январь	<u>4442</u>	февраль	<u>8000</u>	март	<u>8000</u>
II чорак	—	минг куб.м.	апрель	—	май	—	июнь	—
III чорак	—	минг куб.м.	июль	—	август	—	сентябрь	—
IV чорак	<u>+6000</u>	минг куб.м.	октябрь	—	ноябрь	<u>8000</u>	декабрь	<u>8000</u>

1.5. Агар, Иsteъmolchi ойлар буйича булинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилған табиий газ ҳажми ойлар буйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Иsteъmolchi буюртмалярини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланған баланснiga мувофиқ ажратилған ҳажмлар доирасыда қайта күриб чиқиши мүмкін. Иsteъmolchi томонидан навбатдаги ой (чорак) учун күрсатилған табиий газ ҳажмлари ўзгариши буйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинған газ миқдори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилған (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Иsteъmolchi Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ Иsteъmolchilaring суткалик меъёри доирасыда газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилған газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Иsteъmolchiga 24 соат ичидә газ етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлары ўзарганиллиги түгрисида барча усуллар орқали Иsteъmolchini хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

+61-312-34-04 Жаркадаря шузари 8/4

Иsteъmolchi манзили ва телефон рақами:

+55-101-54-53 Жарикадапастан +66

2.4. Етказиб берувчи Иsteъmolchini газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ күвурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Иsteъmolchi хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол қисқартирилади ёки тұхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ күвурларининг технологик иш режимлари бузилганды, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Иsteъmolchini огохлантирган ҳолда газ етказиб бериши чеклаш ёки тұхтатиб қўйиш хукуқига эга, Иsteъmolchi эса захира ёқилғи туридан фойдаланишишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарникин ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқинлиғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда үрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат қўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари үрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган холларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини үрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган холатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол килиши режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлинини чегарасида үрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар иккى томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлинини чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлинини нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари үрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: харорат 20° С, босим 101.325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат антидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрни-хукукий хужжатлари талабларига мувофик газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равища келитирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамнда аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли коидалар ва меъёрларга мувофик амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ

истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёкилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўриқдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангилирид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркиби қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабии холатлар юзага келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб холатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, қўйидаги холларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истемоли -- газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол килиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиши далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиши далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиши учун ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиши ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиши муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиши муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиши учун ечилган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш усқунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табии газни истеъмол килиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табии газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб килиш хукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-усқуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-усқуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда учириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

4.1. Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун түловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истемолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлади.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истемолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдириги тартибида мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истемолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳак тўлашлари шарт. Амалда истемол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисбот ойнинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истемолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов ўмалга оширилмаган тақдирда, Истемолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истемолчилар бундан мустасно).

4.6. Истемолчи хар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истемол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истемолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнida олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истемолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар қайтарилмайди, кўрсатиб утилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истемолчига алокадор бўлмаган турли ҳил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қиска туташув ва х.к)даги техник носозликлар аникланганлиги сабабли истемол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик куввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол килишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мъёёрлар буйича ҳисоб-китоб қиласидаги истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситарадан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварап-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўргасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчидан кўйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кучирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг булиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатнатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварап-фактурани қабул қиласиди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қиласиди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тутагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиласиди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда еамалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги түликтүү күвват билан ишлаб туриши ҳисобидан аникланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳакидаги ахборотни ўн беш күн олдин оммавий ахборот воситалари оркали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истеъмол килинган газ учун түлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда күчга кирганидан сүнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табии газнинг аванс тарикасида түланган ҳажми учун түлов кунидан бошлаб күп билан кейинги 1 ой күшимча түлов түлашдан озод килинади.

## **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-банда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ**

6.1. Истеъмолчидаги қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига кадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандан;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл кўйилмагандан;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлгандан;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмагандан;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмагандан;
- ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўқсинглик килувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат килиш;
- Газдан фойдаланиш коидаларига зид равиша газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа коидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аникланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокқа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҶУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.1. Етказиб берувчи қуидагиларга мажбур:

- ўзига қарашиб бўлган газ тармокларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз хисобидан таъмираш-тиклиш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сақланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартарап этилгунига қадар табиий газ таъминотини ўшимча огохлантиришларсиз тармокдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида хуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимомасига асосан шартномага ўзгarterishlar киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- исик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуидаги хуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истемолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тұхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб кўйиш;
- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;
- газ тармоқларидан авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аникланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришини тұхтатиш.
- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

### 7.3. Истемолчи куйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармоқларida ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниклаш максадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТҲ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазиспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемол қилишини ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўскинилк қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масоғадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариши;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувоғик бир томонлами бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатиши.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларida белгиланган бошка ҳукуқларга эга булиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлик етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қўйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларida назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талбларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatiининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киши даврида вактингча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узib қўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда. Истеъмолчи газ кабул килиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифат зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб килиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани кайтаришни талаб килиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбuriyatlarning бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

## **IX. КОРРУПЦИЯГА ҖАРШИ ТАЛАБЛАР**

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя қиласи.

## **X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини курадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибида жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат килишга хаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларнда, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларнда күтилмаган авария вазиятлари юзага келганды, шунингдек енгіб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкини, ёнғин чикиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиш, кисқартириш ёки муносабтларни тұхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнинда сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул киласидилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзgartириш ва қўшимчалар ёзма равишида расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

\*12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома **2022** йил 31 декабргача бўлган муддатта тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат киўмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат киўмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблаг олувчиilar ҳар йили **“2022”** йил 31 декабр санасига" амал килишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул килинган кундан бошлаб 30 кун мобайнинда кўриб чиқиласди.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" № 6010-сон Фармони қабул килиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридан Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада гузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

**XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:**

<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудлаз Коракалпогистон»</p> <p>Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Бердах гузари №179 КТУГ коди _____ ХХГУТ <u>35220</u> Богланиш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43 <u>312-22-85</u> х/р: <u>22634000205113960484</u> Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк Рахат филиали» МФО: 00435 ИНН: 306605769 Х/Р _____</p> <p>Рахбар: <u>Х.Айманов</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Именинг Муршуди Мукр. уруни</p>   	<p>«ИСТЕММОЛЧИ» <u>Есепчурат-тегуар 10 бликоди</u> <u>Хокимат тайинот</u> <u>Түракбайланстан 166</u> (бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи) Почта манзил: _____ ОКПО коди _____ ОКЭД <u>85200</u> Мулокот телефони <u>55-101-54-53</u> Faz/x <u>23402000300100001010</u> Банк номи: <u>Гомонент шадар</u> <u>Шарқазон банк</u> МФО <u>00014</u> ИНН <u>203583240</u> ш/х <u>4006228603521570966000</u> х/р <u>56001</u> (различник бўлинмаси номи) <u>B. Davletov.</u> Именинг Муршуди Мукр. уруни</p>
--	---

Юридик маслаҳатчи хуласаси:

И. Умешев з/п  
(Ф.И.Ш.) (ИМН, МУРХ)

Санал